



М.М. НАБИЕВ,
Т.О. ОДИЛОВ,
Ў. ПРАТОВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ

НОДИР

ЎСИМЛИКЛАРИ

ВА УЛАРНИ

МУХОФАЗА ҚИЛИШ

М. М. НАБИЕВ, Т. О. ОДИЛОВ, Ў. ПРАТОВ

Биология фанлари кандидатлари


586

H-137

634.1

ЎЗБЕКИСТОННИНГ
НОДИР ЎСИМЛИКЛАРИ
ВА УЛАРНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Dr 19724/4.



№ 6

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг
Бирлашган нашриёти
Тошкент—1968

14.

На узбекском языке

М. М. Набиев, Т. А. Адылов, У. Пратов,
кандидаты биологических наук

РЕДКИЕ РАСТЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА И ИХ ОХРАНА

Объединенное издательство
ЦК Компартии Узбекистана
Ташкент—1968

Набиев М. М. ва бошқ.

Ўзбекистоннинг нодир ўсимликлари ва
уларни муҳофаза қилиш. Т., Ўзбекистон
КП МКнинг нашриёти, 1968.

32 бет.

Тиражи 11130.

1. 2 соавт.

Набиев М. М. и др. Редкие растения Узбекистана
и их охрана.

586

Редактор А. Носиров

Техредактор В. Зубовская

Корректор В. Хакимов

Теришга берилди 27/II 1968 й. Босишга рухсат этилди 18/V 1968 й.
Қозғоз формати 84×108¹/₃₂. Босма листи 1,0. Шартли босма листи 1,68.
Нашриёт ҳисоб листи 1,17. Тиражи 11130. Нашр № 30. P02494.
Заказ № 6215. Баҳоси 4 тийин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг
босмахонаси. Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, уй № 26.

МУҚАДДИМА

Инсон волидаси, гўзаллик ва ҳаёт рамзи мангу сахий табиатнинг ажралмас қисми, унинг ўсимликлар дунёсидир. Балиқ ҳаётини сувсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, инсон ҳаётини ҳам уни ўраб турган ўсимликлар оламисиз тасаввур этиш қийин. Бу жиҳатдан табиатга гўзаллик бахш этган ранг-баранг ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Табиатни, шу жумладан ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ниятида Иттифоқимизда бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Шахсан В. И. Ленин революциядан сўнгги дастлабки йиллардаёқ табиатни қўриқлаш ҳақида дадил чоралар кўришни талаб қилади ва бу ҳақдаги қарор ва декретларга имзо чекади. 1921 йил 16 сентябрда қабул қилинган табиат дурдоналарини, боғлар ва паркларни муҳофаза қилиш ҳақидаги Халқ Комиссарлар Советининг декрети бунинг ёрқин исботидир.

Ўзбекистонда ҳам табиатни қўриқлаш ҳақида самарали ишлар қилинди. 1960 йил 19 ноябрда Ўзбекистон ССР Олий Совети табиатни муҳофаза қилиш ҳақида қонун қабул қилди. Шундай қилиб, табиатни қўриқлаш проблемаси давлат миқёсидаги ишга айланди. Лекин,

шунга қарамай Ўзбекистонда табиий ландшафтларни ва айни вақтда табиий ҳолда йўқолиб бо- раётган ноёб (реликт) ўсимлик турларини сақ- лаб қолишга қаратилган жиддий тадбирлар кў- рилгани йўқ. Агар Ўзбекистон ССР Фанлар ака- демиясининг Ботаника боғида ва академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институтида айрим ноёб ўсимликлар устида олиб борилган тадқиқот ишларини назарга олмаганда, айни мавзуда би- рорта ҳам асар яратилмади.

Шуни назарга олиб ўсимлик қопламларини ва айрим ўсимлик турларини сақлаб қолиш мақса- дида мазкур асарни китобхонларнинг эътиборига ҳавола қилмоқчимиз. Кенг омма учун мўлжал- ланган ушбу брошюрада Республикадаги ўсим- ликлар дунёсининг халқ хўжалигида тутган ўр- ни, ўсимликларни муҳфаза қилиш билан боғлиқ бўлган умумий чора ва тадбирлар ҳамда ёввойи ҳолда кенг тарқалган ва халқ хўжалигида катта роль ўйнайдиган: писта, ёнғоқ, қатронғи, жилон- жийда каби нодир ўсимликлар ҳақида атрофли- ча маълумотлар берилади.

ЎСИМЛИКЛАР ХАЛҚ БОЙЛИГИ

Ўзбекистон ўсимликлар дунёсига бой ўлка. Республика Фанлар академияси Ботаника институтининг систематика лабораторияси ва В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат универси- тети ходимлари билан ҳамкорликда олиб борган кўп йиллик самарали илмий тадқиқот ишлари туфайли яратилган «Ўзбекистон флораси» ном- ли 6 жилдли монографияда қайд қилиниши- ча Ўзбекистонда ёввойи ҳамда кенг тарқал- ган маданий ўсимликларнинг 137 оила ва 1023

туркумга кирадиган 4170 дан ортиқ тури бўлиб, улар чўл, адир, тоғ ва яйлов зоналарида тарқалган. Чунончи уларни қақраб ётган чўлнинг қумли, шўрхок тупроғида, қум уюлмаларида, тақирларда, шағалли адирларда, тоғ ён бағирларида, қоя тошлар орасида, офтоб тегмас ғорларда, дарё соҳилларида ва кўркам яйловларда учратиш мумкин. Бу ўсимликлар бир-бирларидан ҳайратда қолдирарли биологик хусусиятлари ва ажойиб фойдали фазилатлари билан киши диққатини ўзига жалб этади. Ҳеч шубҳасиз, булар орасида халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун хом ашё ҳисобланган кўпгина ўсимлик турлари бор.

Табиий ўсимлик ресурсларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, уларнинг запасларини ва ареалларини кескин даражада қисқартишга олиб келмоқда. Масалан, сўнгги йилларда хушхўрликда тенги йўқ пиёзи анзурнинг табиий запаслари кескин даражада қисқариб кетди. Уни харид қилиш билан шуғулланаётган маҳкамалардаги шахслар пиёзи анзурнинг табиий ҳолда қайта тикланиши масаласини хаёлларига ҳам келтирмадилар. Пиёзи анзурни маданийлаштириш билан боғлиқ бўлган ишлар эса эндигина амалга оширилмоқда. Бундай ҳолларни бошқа ўсимликлар, чунончи: таран, қизил ва тарғил лолалар, етмак ва шу сингарилар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўсимлик ресурсларидан тўғри фойдаланиш уларнинг қайта тикланишига шароит яратиш, мазкур ўсимликлардан такрор фойдаланиш имконини беради. Биз биргина фойдали ўсимликларни эмас, умуман ўсимликлар дунёсини табиий ҳолида сақламоғимиз лозим. Республикамизда манзарали ўсимлик ландшафтлари бор. Улар-

ни муҳофаза қилиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Табиий манзарали жойларни аҳоли ҳордиқ чиқарадиган манзилгоҳларга айлантирилиши яхши натижалар бераётганлигини тажриба кўрсатмоқда. Иттифоқимизнинг Қозоғистон, Туркменистон республикаларида бундай тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳолбуки табиий ўсимликларни сақлаб қолиш мақсадида АҚШ, Буюк Британия, Швеция, Чехословакия, Польша, Индонезия ва Япония каби мамлакатларда миллий, табиат, ўрмонпарк, халқ парки, заповедник номи билан табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари кўрилмоқда.

Миллий паркларни муҳофаза қилишга бағишлаб 1962 йил Сиэтли (АҚШ)да 30 июндан 7 июлгача ўтказилган биринчи жаҳон конференцияси қатнашчиларининг докладларида муҳофаза қилинадиган участкалар ҳар томонлама баён этилган.

Ўзбекистоннинг айрим районларида ҳанузгача сақланиб келаётган кўҳна ўсимликларни (дарахтларни) эҳтиётлаш, айниқса, диққатга сазовордир, Чунки бундай дарахтлар бизга шу ернинг ўтмиши, тарихий воқеалар, айрим тарихий шахслар ва бошқа қизиқ манбалардан дарак беради. Масалан, Улугбек ов қилган чинорзор, Лабиҳовуз (Бухоро) атрофидаги тут, дармасчититут ва ҳоказолар. Афсуски бундай ёдгорликлар оммадан узоқлашиб бормоқда. Шу тахлит ўсимликларни сақлаб қолиш ва парвариш қилиш ишлари эътибордан четда қолиб келмоқда. Шаҳримизнинг ғоят кўркем ёдгорликларидан бири Шарққа машҳур Кўкалдош мадрасасининг девори устида ўстирилган кўҳна пистанинг олиб ташланиши бунинг ёрқин мисолидир.

Айрим улуғ шахслар (олимлар, саркардалар, шоир ва ёзувчилар) томонидан ўтқазилган дарахтлар бизда албатта топилади. Гап шундаки, биз уларга етарлича эътибор бермай келамиз. Иттифоқимизнинг кўпгина районларида, Пётр I, Лермонтов каби улуғ кишилар эккан дарахтлар меҳр билан ўстирилмоқда. Ўзбекистонда ҳам бундай ўсимликлар кўплаб топилади.

Республика ўсимликлари ҳеч қачон ўзининг табиий ҳолатини ва тур составини йўқотмаслиги керак. Улар шундай сақлансинки, келгуси авлодлар ҳам завқ билан тилга олсинлар.

Ўсимликларнинг тупроқ ювилишидаги (эрозий) ва кўчма қумларни сақлаб қолишдаги роли ҳаммага маълум. Агар ўсимликлар бўлмаганда эди, у ҳолда бепоён чўллардаги қум уюмлари инсонларга қанчадан-қанча талафотлар етказган бўлур эди. Ўсимликларни муҳофаза қилиш устида гап борганда яна шу нарсани алоҳида қайд қилиш зарур, бизда фан учун жуда қимматли ҳисобланган, фақатгина Ўзбекистон территориясида учрайдиган ва фанда эндем деб юритиладиган ўсимликлар ҳам бошқа нодир ўсимликлар қатори табиат бағридан абадий жой олиши керак. Агар бирор эндем ўсимлик тарқалган майдон оёқ ости қилинса, у ҳолда бу ўсимликни ер куррасининг бошқа бирор бурчагидан топиб бўлмайди. Шунинг учун республикадаги эндемлар тарқалган ерларни назорат остига олиш мақсадга мувофиқдир.

Республика ўсимликлар дунёсини, шу жумладан ноёб ўсимликларни ҳимоя қилиш биргина табиатни муҳофаза қилиш маъмуриятининг ёки ботаникларнинггина иши бўлмай аксинча, умумжамоатчилик ишидир. Бу ишда касаба саюз ташкилотлари, кўнгилли жамиятлар, ишчилар, кол-

хозчилар, интеллигенция, студентлар, мактаб ўқувчилари фаол қатнашмоқлари керак.

Сахий табиатнинг ажралмас қисми — ўсимликлар олами мангу яшнасин.

Ўзбекистондаги ноёб ўсимликлар тур состави биологик хоссалари билан айниқса диққатга сазовордир. Улар ҳаётий формаларига кўра ўт, бута, дарахт ва халқ хўжалигида тутган ўрнига қараб озиқ-овқат, зийнатли, доривор ўсимликларга бўлинади.

Бизда бундай ўсимликлар ўнлаб топилади. Ёнғоқ, бодом, писта, жилонжийда, қатронғи, оққайин, сариқдўлана, нок, сафсан (хурмо), анор кабилар шулар жумласидандир.

Бу ўсимликларнинг табиий майдонлари жуда қисқариб кетган. Ноёб ўсимликларнинг аксарият қисми одам оёғи етмаган узоқ жойлардагина сақланиб қолган.

Қуйида ана шу ўсимликлардан баъзиларига намуна тариқасида тўхталиб ўтамиз.

Ёнғоқ (*Luglans*)

Ёнғоқ ёнғоқдошлар (*Lugladaceae*) оиласига мансуб, Ўрта Осиёдаги энг ноёб дарахтлардан бири.

Ўзбекистон шароитида ёнғоқларнинг баландлиги 20—30 метргача етади. Шох-шаббалари кенг, танаси йўғон, диаметри 1,5—2 м ва ундан ҳам ортиқ бўлади. Барглари мураккаб, тоқ-патсимон. Ёнғоқлар май ойида гуллаб, сентябрь ойида мева беради.

Ёнғоқлар жуда узоқ, яъни ўрта ҳисобда 100—200 йил яшайди. Унинг мўл ҳосил берадиган даври 18—70 ёшлар ўртасида бўлади. Вояга етган айрим ёнғоқ туплари 300—350 кг гача ҳосил беради.

Ёнғоқларнинг чиқиб келиши ҳақида ягона бир фикр йўқ. Баъзи бир олимлар уни учламчи даврдаги мезофил тўрғай флораси билан боғласа, бошқалари унга учламчи даврнинг охири ва тўртламчи даврнинг бошларида юзага келган деб қарайди. Чиқиб келишидан қатъи назар, ҳозирги кунда у реликт, яъни маълум майдондагина сақланиб қолган.

Дарҳақиқат, агар ўтмишга назар ташланса у ҳолда бир даврлар Ўрта Осиёда ёнғоқларнинг жуда ҳам кенг тарқалганлигини ва турли геологик ўзгаришлар, шунингдек музлик даврининг ҳукмронлик қилиши туфайли улар Помир-Олой, Тянь-Шань, Қопеттоғ каби тоғли районлардагина сақланиб қолганлигини кўриш мумкин.

Қазилма ҳолидаги ёнғоқ баргининг излари ер юзининг турли бурчакларидан, чунончи Голландия, Ўрта Европа, Сибирь ва Ўрта Осиё чўлларида (Қизилқумдан) топилмоқда.

Айни вақтда табиий ҳолдаги ҳақиқий ёнғоқзорлар (ёнғоқ ўрмонлари)ни Ўрта Осиёнинг тоғли районларида учратиш мумкин (шимолий районлар бундан мустасно).

Ўзбекистонда ёнғоқлар Чотқол, Ўгам, Пском, Қоршантоғ, Ҳисор ва Зарафшон тоғ тизмаларининг қора-қўнғир ва қўнғир тупроқли шимолий, шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий тоғ ён бағирларида ўсади. Денгиз сатҳидан 750—2000 м баландликдаги сернам тоғ ён бағирлари улар учун энг қулай жой (зона) ҳисобланади. М. Тўйчиевнинг маълумотига кўра биздаги ёнғоқзорларнинг умумий майдони 18000 га ни ташкил этади. Ундан олинadиган ўртача ҳосил эса гектарига 250—300 кг га тўғри келади.

Ёнғоқнинг халқ хўжалигидаги роли беҳад катта. Қишилар асрлар бўйи ундан турли мақ-

садларда фойдаланиб келадилар. Ёнғоқнинг мағизи 54—77 процент мой, 12—20 процент оқсил, 5 процент қанд ва витамин АВСга жуда бой бўлиб, бевосита истеъмол қилинишдан ташқари, кондитер саноатида ҳолва, печенье, шоколад ва конфетлар тайёрлашда ишлатилади. Ёнғоқнинг пишмаган хўл мевасидан (ғўридан) эса варенье тайёрланади. Унинг мағизидан олинадиган мой совунлар тайёрлашда, босмахона сиёҳи, лак ҳамда химиявий туш тайёрлашда ишлатилади. Ёнғоқ кунжарасида 33—38 процент оқсил, 11—12 процент мой бўлганидан мол ва паррандаларга тўйимли озуқа сифатида берилади.

Ёнғоқнинг барги ошлов моддаси (3—4 процент) минерал тузлар, витамин С (5 процент), каротин (0,33 мг процентгача), эфир мойи (0,3 процентгача) ва бошқаларга бой бўлади.

Ёнғоқнинг барги, пўстлоғи, танаси, илдизи ва мева қобиғи қўнғир ёки қора бўёқ берганлигидан, ундан тўқимачилик саноатида жунли, ипакли ва бошқа матоларга ранг беришда фойдаланиш мумкин.

Ёнғоқ мевасининг яшил қобиғи (25 процентгача), барги ва пўстлоғи ошлов моддасига бой бўлганлигидан кўнчилик саноатида жуда ҳам қадрланади.

Ёнғоқ ёғочининг мустаҳкамлиги, ёрилмаслиги ва яхши жилоланиши ҳамда қўнғир ранги билан бошқа дарахт ёғочларидан ажралиб туради. Ундан сифатли уй-жиҳоз буюмлари тайёрланади, ҳамда авиация саноатида ишлатилади. Ёнғоқларда ҳосил бўладиган буқоқлардан мустаҳкам ва жилдор фанерлар тайёрланади.

Ёнғоқ халқ медицинасининг асосий дори-дармони бўлиб қолган. Хусусан унинг барги киши организмнинг умумий ҳолатини яхшилаш хусу-

сиятига эга. У тери касалликларида модда алма-
шиниш процессини яхшилайти, яллиғни йўқотади,
йирингли яраларнинг битиб кетишига сабабчи-
дир, у яна гижжаларни туширишга ҳам ёрдам
беради.

Баргидан спиртли ичимликларга солиб тай-
ёрланган суюқлик камқувватликда, витаминлар
етишмай қолганда (авитаминоз), тери касаллик-
ларида, рахит ва ич кетишда, қайнатилган барг
суви ревматизм (бод), турли тошмалар ва сувли
темираткиларга ва томоқ оғриғи (ангина) га
қарши ишлатилади. Янги (ҳўл) барглар майда-
ланиб, жароҳат ва яраларга қўйилади. Қунгабо-



Тоғдаги ёнғоқзор.

қар мойи билан қуритилган ёнғоқ баргидан тай-
ёрланган аралашма ҳам турли яраларга қарши
ишлатилади.

В. П. Махлаюкнинг (1967) маълумотига кўра
ёнғоқ баргидан олинган сув экстракти тери, лимфа,
жигилдон сил касалининг айрим формаларини
даволашда яхши натижалар берган. Баргдан сил

касалининг турли формаларини даволашда қўлланиладиган карион препарати тайёрланмоқда. Шунингдек медицинада ва ветеринарияда тери силени ва лишайни даволашда юглон препарати қўлланилмоқда.

Булардан ташқари янги кўк мева қобиғидан ва баргидан тайёрланадиган эсенция гомеопатия касаллигида қўлланилади. Буюк олим Абу Али ибн Сино ҳам ўзининг «Тиб қонунлари» номли китобининг иккинчи жилдида ёнғоқдаги шифобахш хусусиятларга катта баҳо беради.

Ёнғоқ баргида қурт-қумурсқалар бардош беролмайдиган фитонцид модда бўлганлигидан кийимларни куядан сақлашда ҳам қўлланилади.

Қиймати жиҳатидан тенги йўқ ҳисобланган бу дарахт йил сайин ўзининг аввалги ҳолатини йўқотиб бормоқда. Мавжуд ёнғоқлардан турли мақсадларда, хусусан ўтин, қурилиш материали сифатида фойдаланиш ачинарли оқибатларга олиб келмоқда. Ёнғоқ устида қанча гапирилишидан қатъи назар, республиканинг бирор бурчагида янги ёнғоқзорлар барпо этилмади десак хато қилмаган бўламиз.

Далаларимизда яқингинада барқ уриб ўсиб турган маданий ҳолдаги ёнғоқ туплари турли сабаблар (планлаштириш) асосида бутунлай кесиб ташланмоқда. Натижада пўчоғи юпқалигидан мағизи кўриниб турадиган ва қўл билан чақиладиган қоғоти (писта), ғалвирак ёнғоқлар йўқолиб кетмоқда. Бунинг бўстонлиқ ва Оҳангарон районлари мисолида яққол кўриш мумкин.

Бунинг устига табиий танлаш йўли билан табиат бағрида юзага келган ва халқ талабига жавоб берадиган ёнғоқ формалари маълум миқдорда саралаб олинган бўлишига қарамай, улар кенг майдонларда ўстирилмаяпти. Академик

Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институтининг Бўстонлиқдаги (Хумсон қишлоғи) тоғ филиалида С. С. Қалмиков раҳбарлигида табиий ёнғоқзорлар орасидан саралаб олинган бир қатор сифатли ёнғоқ формалари Ўзбекистонда ҳамон кичик майдонларда экилиб келинмоқда.

Дунё миқёсида фан учун маълум бўлган 40 тур ёнғоқнинг бир туригина бизнинг шароитда ўсишига қарамай Ўзбекистон территориясида унинг 100 дан ортиқ формалари ва навлари мавжуд. Булар орасида ғалвирак, қоғоти, идеал, писта ёнғоқ каби чет эл ёнғоқларидан устун турадиган ажойиб навлар бор.

Қолхоз ва совхозларда ҳамда ўрмон хўжаликларига тегишли тоғ ён бағирларида янгидан ёнғоқзорлар барпо этиш кўп жиҳатдан фойдалидир. Шунингдек у иқтисодий жиҳатдан ҳам анча арзонга тушади.

Ёнғоқлардаги яна бир хислат уларнинг турли касалликларга бардош беришлигидир.

Ёнғоқлар уруғидан ташқари пархиш йўли билан ҳам осонликча кўпаяди. Уруғни бирданига муттасил жойларга ҳам экса бўлади. Республиканинг Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон, Нурота ва Зомин районларидаги тоғ этакларида ёнғоқзорлар барпо қилиш учун жуда қулай шароит ва имкониятлар мавжуд. Ҳамма гап уни амалга оширишда.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик ва соғлиқни сақлаш министрлиги бу масалага жиддий эътибор беришлари лозим.

Писта (*Pistacia*)

Писта пистадошлар (*Anacardiaceae*) оиласига мансуб бўлиб, баландлиги 2 м дан 5 (10) м гача

етадиган кенг шох-шаббали ўсимлик. Пистанинг баландлигига ва ташқи қиёфасига қараб дарахт ёки баланд бўйли бута дейилади. Пистанинг барглари тоқ патсимон, қалин ва кенг бўлади. Меваси юпқа пўст (экзокарп), ёғочлик қисм (эндокарп) ва мағиздан иборат.

Писта табиий ҳолда Ўрта Осиёнинг денгиз сатҳидан 600—1700 (2000) м баландликдаги адир ва тоғ зоналарида тарқалган.

Ўрта Осиёда пистазорлар асосан Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркменистон республикаларида жойлашган бўлиб, уларнинг умумий майдони 300 минг га ни ташкил қилади (И. К. Тросько 1947).

Ўрта Осиё (айниқса унинг жануби) ни пистанинг ватани дейиш мумкин. Сабаби писта ишғол қилган манзиллар (Фарғона, Чотқол, Ўғам, Пском, Олой, Туркистон, Зарафшон, Ҳисор, Боботўғ, Геранлитўғ, Қоратўғ, Ғозималик, Оқтўғ, (Бадхиз тепалиги) ва Копеттўғларда жойлашган.

Писта, шунингдек Афғонистон, Эрон, Туркия ва Сурияда учрайди. Умуман олганда унинг ареали Иссиқкўлнинг ғарбий қирғоғидан тортиб, Ҳимолай тоғининг шимоли-ғарбий ён бағри билан то Сурия ва Паластингача бориб етади.

Пистанинг халқ хўжалигида тутган ўрни беқиёс каттадир. Унинг мағизиди 60—61 процент мой бўлиб, у бевосита истеъмол қилинишдан ташқари, айнақса озиқ-овқат санъатида турли таомлар — печенье, конфет, мороженое, кремь, роҳатлукма кабилар тайёрлашда кенг қўлланилади. Пистанинг пўстлоғи, ёғочлик қисми, пишмаган меваси ва баргида 5 дан то 12 процентгача таннид моддаси бўлади.

Баргларида ҳосил бўладиган бужғунлардан қимматбаҳо бўёқ олинади ва у матоларни бўяш-


да ишлатилади. Шунингдек у 15—32 процент таннид сақлаш билан ҳам қадрланади. Ўсимлик танасидан шилиб олинадиган смола (писта терпентини), — «сақич», «оқ смола» бадий бўёқ заводлари ва лак саноати учун қимматли хомашё саналади.

Писта бошқа ёнғоқ мевали ўсимликлардан қуйидаги ботаник ва биологик хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу ўринда унинг ксерофитлик, яъни қурғоқчиликка ва совуққа бардош бера олишлик хусусиятини, узоқ йиллар (то 350 ёшга қадар) ўсиб тура олишлигини алоҳида қайд қилиш керак. Табiiй ҳолда ўсаётган писталар бир турга мансуб бўлишига қарамай бир-бирларидан меваларининг катта-кичиклиги, сифати, гуллаш ва ҳосилининг етилиш муддати жиҳатидан анча фарқ қилади. Рўй берган тафовутлар келгуси бўғинларда ҳам сақланади. Бу ҳол мақсадга мувофиқ писта навлари яратиш имконини беради. Масалан биргина Боботоғда ўсаётган ёввойи писталардан 10 га яқин ажойиб навлар саралаб олинган.

Булар орасида бир тупидан йилига 10 кг дан ҳосил берадиган, бир дона меваси 1—1,5 г оғирликдаги ҳамда мевасининг мойлилиги 60 ва ҳатто 95 процентгача етадиган навлари бор.

Ўзбекистонда пистазорлар анчагина майдонни ишғол қилади. Масалан, Сурхондарё областидаги Боботоғ ўрмон хўжалигининг пистазор массивлари республикамизнинг жуда катта бойлиги ҳисобланади. Бу ерда ҳар йили юзлаб тонна писта маҳсулоти етиштирилмоқда. Мавжуд пистазорларни қайта тиклаш ишларига астойдил киришилган.

Янгидан пистазорлар барпо этиш борасида ҳам республикада баракали ишлар қилинмоқда,



Чотқол тоғ тизмасидаги пистазор.

жумладан Каттақўрғон районининг лалмикор ерларида 2000 гектардан ортиқ майдонда янги пистазорлар ташкил этилди.

Лекин, шундай бўлишига қарамай пистадан олинадиган ҳосил озиқ-овқат саноатининг ўсиб бораётган талабини қондира олмаяпти.

Ёшартирилган ва маданий шароитда ўстирилган писталар табиийсига нисбатан бир неча марта кўп ҳосил беришлиги аниқланган. Масалан, Наманган атрофида ўсадиган ёшартирилмаган 30 ёшли писта йилига 3 кг ҳосил берган бўлса, Апшерондаги боғларда ўстирилган писта шу ёшда 25 кг атрофида ҳосил берган.

Чет эл адабиётларининг маълумотларига кўра маданий шароитда ўстирилган 25 ёшли писта Ҳиндистонда 9 кг, 30 ёшлиси эса Сурияда 20—30 кг ҳосил берган. Бу миқдор гектарига 2 тоннадан ҳосил олиш имкониятини беради.

Пистазорларнинг унумдорлигини оширишда бачкилардан ва ёшартириш йўли билан етишти-

рилган ёш новдалардан кенг фойдаланиш мумкин.

80—100 ёшлардаги писталарни қишда каллаклаб ташлаш йўли билан шу йилнинг кузига бориб ҳақиқий пайвандтаглар етиштириш мумкинлигини ва уларга уланган куртакларнинг 3—4 йилдаёқ ҳосилга киришини тажриба кўрсатди.


Куртак (кўз) пайванд йўли билан ёввойи писталарнинг сифатини яхшилаш бўйича УзНИИЛнинг Боботоғ тажриба станцияси ходимлари ажойиб ютуқларни қўлга киритишди.

Писта ҳосили баҳорнинг иссиқ ёки совуқ келишига, рельефга, мазкур пистазорнинг қандай баландликда жойлашганлигига ва ҳар қайси тупнинг биологик хусусиятига қараб, август ва октябрь ойларида йиғиб олинади. Териб олинган писталар пўстлоғидан ажратиб олингандан сўнг 6—9 кун мобайнида яхшилаб қуригилади ва махсус омборларда сақланади.

Писта асосан уруғидан кўпайтирилади. Экиш учун сифатли навларнинг сўнгги йили йиғиб олинган уруғлари ажратиб олинади ва январь-февраль ойлари мобайнида қум солинган яшикларда сақланади. Бу тадбир уруғнинг униб чиқишини тезлаштиради.

Писта ниҳолларини кўчатзорда ўстириб, бошқа ерга олиб ўтқозиш анча хатарли бўлганлиги учун писта уруғлари бирданига муттасил жойларга февраль ва март ойларида экилади. Уруғлар одатда ҳар бир чуқурга 2—3 донадан ташланади. Уларнинг чуқурлиги тупроқнинг структура-сига қараб 3—4 (10) см ни ташкил этади.

Шу нарсани алоҳида қайд қилиш керакки, республикада (Боботоғдаги пистазор бундан мустасно) мавжуд пистазорларни тиклаш ва уларни



кўпайтириш ҳамда муҳофаза қилиш масаласига етарлича эътибор берилмаётир. Чунончи, Фарбий Тянь-Шань тоғ тизмаларидаги пистазорларни маҳаллий аҳоли шафқатсиз кесиб юборганлигидан улар жуда озайиб кетган. Айниқса ҳосил етилган пайтда бу нарса жиддий тус олмоқда. Кўпчилик жойларда писта меваси ҳосил шохлари билан синдириб олинмоқда. Оқибатда эса ўсимлик каллакланиб қолмоқда. Бу ҳол ҳеч шубҳасиз ундан олинадиган ҳосилни ниҳоятда камайитириб, шу билан ўсимликнинг ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бодомлар (*Amugbalus*)

Бодомлар раъногулдошлар (*Rosaseae*) оиласининг ёнғоқ мевали вакиллари. Улар ҳаёт формаларига кўра бута ҳамда паст бўйли дарахтларни ўз ичига олади.

Ўзбекистонда бодомларнинг 4 та ёввойи ва битта маданий тури учрайди. Ёввойи бодомлар республиканинг деярли ҳамма тоғли районларида, шунингдек адирларда ва қизилқумдаги ясси тоғларда учрайди.


Маданий шароитда бодомлар ҳамма суғориладиган районларда ўсади. Бодомзорлар майдони жиҳатидан Фарғона водийси биринчи ўринда туради. Фарғона областининг Олтиариқ, Сурхондарё областининг Сариосиё, Қашқадарё областининг Қосонсой ва Бешариқ районларида, Наманган ва Самарқанд атрофларида бодомзорлар кўп.

Бодомлар мағизининг ширинлиги жиҳатидан жуда фойдали ўсимлик. Шунинг учун ҳам эрамиздан 400 йил муқаддам Фарбий Осиё ва Грецияда мазали ва тўйимли озуқа сифатида экила бошлаган. Кейинроқ бутун Ўрта ер денгизи бўй-

лаб тарқалган. Ҳозир Европа, Осиё, Африка ва Шимолий Американинг кўпгина жойларида экилади. Унинг энг кўп тарқалган жойи Италия, Калифорния, Испания, Шимолий Эрон, Паластин ва Марокашдир. Эрон ва Туркиянинг кўпчилик районларида бодом маҳаллий аҳолининг асосий озуқаси.

Бодомнинг мағизи ўзининг тўйимлилиги ва бошқа хусусиятлари билан ширинлик, парфюмерия ва медицина саноатида жуда қадрланади. Шунинг учун ҳам бодом дунё бозорининг қимматбаҳо маҳсулоти ҳисобланади.

Мағизининг таркибида 35—67 процент мой,



Чопух дарёсининг ўнг соҳилида
сақланиб қолган бодом.

2—10 процент қанд, 16,5—34 процент оқсил, 3,38—3,6 процент пентозан, глюкозид амгидалин ва бошқалар бўлади.

Аччиқ бодомнинг мағизи 2—8 процент амигдалин ва глюкозид, шунингдек глюкоза ва сахарозга эга.

Бодом эмульсиясидан тайёрланадиган пишлоқ озукалиги жиҳатидан мол пишлоғидан қолишмайди.

Ширин бодом кунжарасида 50 процент оқсил ҳамда мой бўлганлигидан ундан арзон шоколадлар ва бодом эмульсияси тайёрланади.

Чет эл олимларининг (АҚШ) маълумотларига кўра бодом уни қанд касали, болалардаги эпилептика ва ошқозон касаллигини даволашда муҳим пархезли озуқа ҳисобланади.

Бодомнинг қобиғи (Эндокарп) Гейнц маълумотига кўра етилмаган коньяк ва оқ виноларга махсус таъм беради.

Бодомлар шифобахшлик хусусиятлари билан халқ медицинасида кенг қўлланилади. Масалан аччиқ бодом мағизидан олинадиган мой қулоқ оғриғини, ширин бодомнинг майдаланган мағизи қандга қўшилиб кам қонликда, астма, йўтал, уйқусизлик, бошоғриғи кабиларни даволашда ишлатилади.

Илмий медицинада мағиздан олинадиган эмульсия ошқозон-ичак оғриқларини даволашда қўлланилади. Бодом мойидан турли дори-дармонлар тайёрланади. Булардан ташқари бодом «сути» кунжараси, мойи косметикада ишлатилади.

Республикаимизнинг тоғли районларидаги табиий бодомзорлар, шу жумладан ширин ва аччиқ бодом майдонлари кескин даражада қисқариб бормоқда. Улардан тўғри фойдаланмас-

лик, ўтин, қурилиш материали сифатида кўплаб ишлатиш шундай оқибатларга олиб келди. Бўстонлиқ район Хумсон қишлоғи атрофидаги (Консойда) бундан 15—20 йил муқаддам барқ уриб ўсиб турган ажойиб бодомзорлардан ҳозирги кунда тўнкаларигина қолган, холос.

Бодомлар табиатнинг энг оғир шароитида — денгиз сатҳидан 300—2600 м баландликдаги соз тупроқли, шағалли, тошлоқ, сувсиз, серқуёш, юқори ҳароратли ерларда ва ҳатто қояларда — тош ётиқларида ўсишга мослашган. Улардаги қурғоқчиликка ва иссиққа чидамлилик хусусиятлар бўш ётган бепоён, бошқа ўсимликларнинг ўсиши қийин бўлган ерларни ўзлаштириш имконини беради. Бу ҳол ўз навбатида ер эрозиясига қарши кураш масаласини бартараф этишга ёрдам беради.

Бодомларнинг халқ хўжалигида тутган ўрнини назарга олиб, уларга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш вақти етди.

Жилонжийда, унаби (*Ziziphus*)

Жилонжийда асрлар бўйи кенг оммани ўзига мафтун этиб келаётган жумрутдошлар (*Rhamnaeae*) oilасига мансуб шифобахш, баланд бўйли бута ёки дарахтдир.

Жилонжийда кейинги пайтларда кўпроқ чилонжийда деб ишлатилмоқда. Аслида эса бу ўсимликка унинг эгри-бугри шох-шаббаларига ва мевасининг силлиқлигига қараб жилон (қозоқча) — илонжийда деб ном берганлар. Шу муносабат билан биз ҳам уни «чилон», эмас жилонжийда деб олдик.

Жилонжийда эрамиздан 2 минг йил илгари Хитойда, Ҳиндистонда маълум бўлган.

Ер юзида — тропик ва субтропик минтақа-

ларда жилонжийданинг 50 га яқин тури бор. Унинг энг кўп тарқалган жойи — Хитой, Корея, Ҳиндистон, Ғарбий Осиё ва Ўрта ер денгизидир. Иттифоқимизда эса у Закавказье ҳамда Ўрта Осиёнинг тоғли районларида учрайди.

Кўпчилик илмий асарларда СССР учун унинг биргина ёввойи ва иккита иқлимлаштирилган тури келтирилади. Ўзбекистон флорасининг 4-жилдида қайд қилинишича республикада — яъни Сурхондарё областидаги Тўполон (Тўпаланг) дарёси воҳасидагина жилонжийданинг биргина ёввойи тури учрайди. Лекин айрим олимлар унга маданий ҳолда учрайдиган жилонжийданинг ёввойилашгани деб шубҳа билан қарайдилар. Флорада ёввойи ҳолда учрайдиган жилонжийданинг меваси юмолоқ, ҳатто шар (соққа) — симон ёки чўзиқроқ деб таъриф берилади.

Сўнгги йилларда олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ва Ўзбекистоннинг турли бурчакларидан, шу жумладан Сурхондарё ва Ғарбий Тянь-Шань (Бўстонлиқ) дан йиғилган жилонжийдалар табиатда унинг анча кенг тарқалганлигини кўрсатмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, табиатда масалан, Бўстонлиқ районида табиий ҳолда, жилонжийданинг юмалоқ мевалиси эмас, аксинча шакли жиҳатидан маданий жилонжийдани эслатадиган чўзиқ мевалиси кенг тарқалган. Кузатишлар эса юмалоқ мевали жилонжийданинг асосан маданий ҳолда тарқалганлигини кўрсатмоқда.

Жилонжийдаларнинг мевасидаги тафовутлар С. С. Қалмиков ва М. Қ. Собировларнинг 1959 йилда нашр этилган мақоласида анча батафсил баён этилган.

Бизнинг фикримизча Ўзбекистонда жилонжийдаларнинг икки тури мавжуд бўлиб, улар

бир-бирларидан, мевалари ҳамда шох-шаббалари ва бошқа белгилари билан фарқ қилади.

Ўзбекистон шароитида жилонжийдалар денгиз сатҳидан 1000—1500 м баландликдаги шағалли жанубий ва жануби-шарқий тоғ ён бағирларида тарқалган. Шуниси характерлики, бизга маълум бўлган жилонжийдазорлар сув (дарё)га яқин серқуёш, нишаб жойларда жойлашган.

Жилонжийда 100 йил ва ундан ҳам кўп яшай олади. Шунингдек, эрта ҳосилга киради. У 4—5 ёшидан бошлаб то 40—50 ёшгача яхши ҳосил беради. Сўнгра ҳосилдорлиги аста-секин камая боради.

Жилонжийда май-июнь ойларида гуллаб, сентябрь ойида меваси етилади. У серҳосил бўлади. 15—20 ёшлардаги бир туп жилонжийда ўрта ҳисобда 50 кг, яъни гектарига 15—20 т гача ҳосил беради.

Бизда ўсадиган жилонжийдаларнинг бўйи 8 (12) м танасининг йўғонлиги эса 60 см га етади. Уларнинг танаси қўнғир рангда бўлади. Ёш ўсимликда тиканлар бўлиб, катталашган сари тиканлар камайиб боради. Барглари тўқ яшил, тухумсимон ёки кенг нашта-симон, четлари майда арра тишли бўлади.

Гуллари икки жинсли, кўримсиз, лекин жуда хушбўй бўлиб, барг қўлтиғида 3—5, баъзан 10 тадан жойлашган.

Меваси жийданикига ўхшаш чўзиқ данак ва унинг атрофини ўраб олган қуруқроқ (майда мевалисида) ёки ширали (катта мевалисида) этдан иборат. Бўстонлиқ районининг Қоржантоғ ва Чотқол тоғ ён бағриларида ўсадиган йирик мевали жилонжийда мевасининг йириклиги ва серширлилиги жиҳатидан Хитой хурмоси (Фи-

ник)ни эслатади. Маданий шароитда кўпроқ учрайдиган майда, юмалоқ мевали жилонжийда ширинликда кейинги ўринда туради.

Л. Тошматовнинг (1962) маълумотида кўра жилонжийда таркибида 20—28 процент қанд, 2,93 процент оқсил, 3,7 процент мой, 0,2—2,5 процент кислота бор. Унда С, Р ва А витаминлари жуда кўп. С витаминининг миқдори 500—600 мг га етади. Бу миқдор лимон ва апельсиндагиларга нисбатан 10—15 марта кўп демакдир. Рутин (Р витамини)нинг миқдори жилонжийда оғирлигининг 3,5 процентини ташкил этади.

Жилонжийда узоқ ўтмишдан халқ медицинасининг ишончли дори-дармони сифатида ишлатиб келинмоқда. Чунончи, мевасидан қон босимини пасайтиришда, қон танқислигини тиклашда, кўкрак оғриғини қолдиришда, жигар, буйрак, ичак касалликларини даволашда, нафас сиқиш (астма) ва турли тошмаларни йўқотишда, йўтал ва ич кетишни тўхтатишда кенг миқёсда фойдаланилмоқда.

Ҳозирги кунда жилонжийда илмий медицинада салмоқли ўрин эгалламоқда. Л. Тошматовнинг таъкидлашича Самарқанд медицина институтининг терапия клиникасида гипертония билан касалланган кишиларни жилонжийда билан даволаш яхши натижалар берган.

Айрим илмий манбаларда шарҳланишича жилонжийдадаги рутин (Р витамини) қон томирларни кенгайтиради, уларнинг деворчаларини мустаҳкамлайди, натижада гипертонияга дучор бўлган беморнинг ҳолати яхшиланади.

Бугина эмас, жилонжийданинг пўстлоғида 4—7,2 процент ва илдизида 9,3 процент ошлов моддаси бор. Булардан ташқари у асал ширага бой бўлганлиги туфайли асаларичиликда, мус-

тахкам ва жилоланувчан ёғочи эса дурадгорчиликда қадрланади.

Жилонжийдани қуритиб олиш ҳамда консервалар ва С витаминига бой қиёмлар тайёрлаш яхши натижа беради.

Бу ноёб ўсимликни кўпайтириш масаласига Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети жиддий эътибор берди ва унинг халқ хўжалигидаги ролини назарга олиб 1960 йил 22 февралда жилонжийдазорларни кенгайтириш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилди. Қарорда, жумладан 1965 йилга бориб, республикада жилонжийда экиладиган майдонни 1000 гектарга етказиш мўлжалланган.

Жилонжийдани кўпайтириш борасида республикада бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Бу ўринда айниқса академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институтининг Самарқанд филиалида олиб борилган ишларни қайд қилиш мароқлидир. Филиал ходимлари республиканинг турли жойларида бўлиб, жилонжийданинг 8 формаси борлигини аниқладилар. Ҳозир у ерда четдан — Хитойдан келтирилган йирик мевали жилонжийдани кўпайтириш устида қизғин иш олиб борилмоқда.

Жилонжийда уруғидан, илдиз ва тўнкаларидан ўсиб чиқадиған бачкилардан, шунингдек пархиш қилиш йўли билан кўпайтирилади.

Жилонжийда унча ер танламайди, уни офтобли тупроғи шўр бўлмаған тоғ ён бағирларида, адирларда ва маданий шароитда, колхоз ва совхоз далаларида, ҳамда шахсий томорқа ерларида бемалол ўстириш мумкин.


Мавжуд маълумотларга кўра у 30° совуққа ва 44° иссиққа бемалол бардош бера олади.

Ғарбий Ҳисор тоғи, Тўполондарё ҳавзаси, Бўстонлиқ районидаги Қоржантоғ каби тоғларнинг ён бағирлари ва даралар ёввойи жилонжийданинг асли манзилидир.

Мавжуд ёввойи ҳамда маданий шароитда ўсиб турган жилонжийдаларни сақлаб қолишнинг ва кўпайтиришнинг асосий йўли унинг фазилатларини оммага тушунтиришдан ва уларни умум жамоатчилик назоратига олишдан иборат.

Қатронғи (Celtis)

Қатронғи қайрағочдошлар (Ulmaceae) оиласининг Ўзбекистондаги энг ноёб вакиллари



Ўғам тоғ тизмасидаги қатронғизор.

бири. У ширин, майда, юмалоқ меваси, ўта пишиқ ёғочи ва чиройли шох-шаббаси билан маҳаллий аҳолига қадимдан манзур бўлиб келган.

Республикада қатронғилар Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё областининг тоғли районларида тарқалган. Қатронғилар табиатнинг энг оғир шароитида, чунончи сувсиз шағалли тоғ ён бағирларида, қумларда ва тошларнинг ёриқларида ўсиши билан кишини ҳайратда қолдиради. Қатронғиларнинг табиий ареаллари айни вақтда жуда ҳам қисқариб кетган. Уларнинг маҳаллий аҳоли томонидан қурилиш материали сифатида кўплаб ишлатилиши шундай оқибатларга олиб келмоқда. Масалан, (1967 йили биргина Бўстонлиқ районида (Ғарбий Тянь-Шань) қатронғиларнинг бир неча ўнлаб кесиби ташланган тупларини ва тўнкаларини санаш имкониятига эга бўлдик.

Қатронғининг биология, экология ва географиясини ўрганиш ҳамда уни оммалаштириш бўйича ЎзССР Фанлар академияси ботаника боғининг катта илмий ходими биология фанлари кандидати А. Мавжудов бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борди.

Ҳозирги пайтда қатронғи ер юзининг айрим бурчакларида — Ўрта Осиё, (Тянь-Шань,) Помир-Олой, Копеттоғ), Кавказ, Кичик Осиё ва Эрондагина сақланиб қолган, холос. Бу ҳол унинг Ўзбекистондагина эмас, аксинча бутун дунё учун нодир ўсимлик эканлигини кўрсатувчи далилдир. Бу бебаҳо ўсимликнинг мавжуд тупларини исроф қилишга қарши қатъий курашиш ва табиий ҳолда кўпайишига кўмаклашиш уни сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўлидир.

Қатронғи мевасидан осонлик билан кўпаяди.

Ундан қишлоқ ва шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда зийнатли ўсимлик сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Зирк (*Berberis*)

Зирклар, зиркдошлар (*Berberidaceae*) оиласига мансуб, 1,5—3 м баландликдаги буталар бўлиб, ер юзида уларнинг 220 тури учрайди. Шулардан 12 таси СССРда ёввойи ҳолда тарқалган. Иқлимлаштирилганларининг сони эса 45 тага етади. Ўзбекистонда зиркларнинг 3 тури борлиги аниқланган.

Зирклар кишилар учун гоят манзур шифобахш ва зиравор ўсимликлардир.

Зирклардаги дориворлик хусусиятлар ҳақида вавилионликлар ва индуслар эрамиздан 350 йил муқаддам ёзиб қолдирганлар. Ўша даврда табиблар зиркнинг мевасидан қон тозалагич сифатида фойдаланганлар.

VII асрда араблар зиркни медицина учун кенг жалб эта бошлаганлар. XVII асрнинг ўрталари ва XIX асрнинг бошларига келиб уни маданийлаштириш масаласи оммавий тус олди.

Ўзбекистонда зирк қадимдан маълум. Мевасининг рангига қараб улар қора ва қизил зиркларга бўлинади. Қора зирк (*B. ablonga*) халқ медицинасида юрак ва бош оғриғини қолдиришда, қонни тўхтатишда, ҳароратни пасайтиришда, уйқуни яхшилашда, унинг илдизини қайнатиб сариқ касални, бодни, турли шишларни даволашда ишлатганлар. Қам-қувват беморларга эса унинг баргидан тайёрланадиган сомса буюрилган. Шунингдек, иштаҳани очишда, қон босимини пасайтиришда ҳам қўлланилган. Қайд қилинган тадбирлар ҳозирги кунда ҳам ерли аҳоли орасида кенг тарқалган.

Зиркнинг меваси шарбат, кисель, мороженое каби таомлар тайёрлашда ишлатилади.

Қора зирк мевасининг таркибида глюкоза, фруктоза, олма кислотаси ва витамин бўлади.

Барги тузланадиган сабзавотларга солинади. Шундай қилинганда сабзавотлар узоқ вақтгача бузилмасдан ўз сифатини сақлаб туради.

Зиркнинг илдиз ва пўстлоғидан олинадиган сариқ бўёққа жунли матолар бўялади.

Зирк кўркам тухумсимон, ялтироқ ва қалин барглари, хушбуй исли гуллари билан хиёбонларга кўча-кўйларга безак бахш этувчи зийнатли ўсимлик ҳамдир.

Умуман зиркнинг халқ хўжалигида тутган ўрни жуда салмоқлидир.

Зирк Ўзбекистоннинг тоғли районларида, яъни денгиз сатҳидан 1000—2500 м баландликдаги қуруқ, шағалли адир ва тоғ ён бағирларидан кенг ўрин олган.

Сафсан, хурмо (*Diospiros*)

Сафсан (кўпчилик халқларда хурмо деб юритилади). Ўзбекистонда табиий ҳолда жуда кам тарқалган хурмодошлар (*Elaeagnaceae*) оиласига мансуб, баландлиги 15—20 м га етадиган, кенг шохшабба ва узунлиги 9—15, эни 3—5 см кенгликдаги чиройли баргга эга ўсимлик. У май-июнь ойларида гуллаб, октябрь-ноябрь ойларида ҳосил беради.

Сафсаннинг асли ватани жанубий иссиқ мамлакатлар бўлиб, Қичик Осиё, Эрон, Хитой ва Японияда кенг тарқалган. СССРда Кавказ ва Ўрта Осиё (Памир-Олой)нинг айрим тоғли районларида учрайди.

Ўзбекистонда ёввойи ҳолдаги сафсан узоқ

вақтлар фан учун номаълум бўлиб келди. Ниҳоят 1948 йили Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан уюштирилган экспедиция Ҳисор тоғ тизмасининг жануби-ғарбий қисмида Тўполондарё воҳасида ва унинг ирмоқларида сафсан борлигини аниқлади.

Сурхондарё областида топилган сафсанзор денгиз сатҳидан 2000 м баландликда жойлашган ва кичик майдонни ишғол қилган. Шунинг учун ҳам у саноат аҳамиятига эга эмас.

Бизда учрайдиган сафсаннинг меваси анча майда, сарғиш, пишиш олдидан эса қорамтир бўлади. Айрим формаларидан олинадиган меваларни аҳоли истеъмол қилади.

Юқорида қисқача қайд қилинган далиллар сафсаннинг республика учун ғоят муҳим ўсимлик эканлигидан дарак беради.

Мавжуд сафсанлардан айниқса жанубий районларда зийнатли ўсимлик ва Қавказдан келтириб экилаётган сафсан (хурмо)ларни кўпайтириш учун пайвандтаг сифатида фойдаланиш мумкин.

Анор (Punica)

Анор маданий шароитда Ўзбекистонда кенг тарқалган анордошлар (*Punicaseae*) oilасига кирадиган субтропик ўсимлик. Эрон, Афғонистон унинг asli ватани ҳисобланади. СССРда Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Доғистон, Қрим ва Ўрта Осиё республикаларининг деярли барчасида ўстирилади.

Ўзбекистонда анорнинг 40 га яқин навлари бор. Улар орасида сифати жиҳатидан жаҳон стандарт анорларидан қолишмайдиган навлар кўплаб топилади.

Анор шарбатида 0,9—4 процент лимон кисло-

таси, 14—21 процент қанд, кўп миқдорда витамин ҳамда бошқа фойдали моддалар бор.

Анор халқ ва илмий медицинада, бўёқчиликда ва манзарали ўсимлик сифатида жуда қадрланади.

Анор уч ёшидан бошлаб мева бера бошлайди. Ҳар бир тупдан олинадиган ўртача ҳосил 20—30 кг га етади.

Анор жуда узоқ, яъни 200 (300) йилгача умр кўриши мумкин.

Анор асосан илдиз бачкиларидан кўпайтиради. Ўзбекистонда маданий анор навларидан ташқари табиатда тоғ дараларида сақланиб қолган кичик-кичик ёввойи анорзорларни учратиш мумкин.

Бу ёввойи анорзорлар ҳақида олимлар ҳар хил фикр юритганлар. Масалан, В. В. Кузнецов (1949) «Субтропические плодовые культуры в Узбекистане» номли брошюрасида Тўполон дарёсининг юқори қисми (Ҳисор тизма тоғи) Фарбий Қопеттоғ (Туркменистон ССР) ва Панж дарёсининг юқори қисми (Тожикистон ССР) да ўсувчи анорларга ёввойи деб қарайди.

Ўзбекистон флорасининг 4-жилдида эса Тўполон воҳасидаги анорлар маданий шароитда ўстириладиган анорларнинг ёввойиlashгани деб олинади. Бу билан Ўрта Осиёдаги ёввойи анорлар инкор этилмайди. Ўзбекистон флораси учун анорлар туркумини ишлаган Г. П. Сумневич, Қопеттоғ ва Дарвозда учрайдиган анорларни ёввойилар қаторига киритади. Шуниси қизиқки, Сурхондарё областида (Тўполон воҳаси), Қопеттоғ ва Дарвозда учрайдиган анорлар морфологик ва бошқа белгилари билан бир-бирларига жуда ҳам ўхшаб кетади.

Табиий ҳолдаги анор маданий анорларнинг

ёввойиладиган ҳолдаги формаларими ёки улар азалдан борми деган савол жиддий мулоҳаза юритишни талаб этади.

Маълумки, маданий ўсимликларнинг аксарияти табиий ўсимликлар орасидан саралаб олинган.

Ҳеч шубҳасиз, маданий шароитда экиладиган анорлар ҳам худди ана шундай тарихга эга.

Ўрта Осиё қатор маданий ўсимликларнинг ватани бўлиб, уларнинг ёввойилари ҳозирги кунда ҳам кўплаб топилади. Демак, биздаги ёввойи анорларнинг ҳам азалдан шу ерда ўсган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Ёввойи анорлар ҳам бошқа нодир ўсимликлар қатори муҳофаза қилиниши керак. Ундан келгусида янги навлар етиштиришда ва манзарали ўсимлик сифатида фойдаланиш мумкин.

Юқорида келтирилган далил ва мулоҳазаларга асосланиб қуйидагиларни айтиш мумкин.

Асарда келтирилган ўсимликларнинг ҳаммаси ҳам халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга бўлишидан ташқари энг нодир ўсимликлар ҳамдир. Шунинг учун уларни ўрганиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Мазкур ўсимликларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш улардаги янги-янги фойдали хусусиятларни аниқлашга ва уларнинг тарқалишидаги ҳамда биологиясидаги қонуниятларни ўрганишга имкон беради. Натижада Ўзбекистоннинг хилма-хил табиатига хос фойдали нодир ўсимлик формаларини ажратиб олиш ва улардан атроф-йўл фойдаланиш имконига эга бўламиз.

Баҳоси 4 т.

Индекс 75423

5

19